

Иродахон Мухтаровна ГАФУРОВА
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тадқиқотчиси

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ- ГУБЕРНАТОРЛИГИДАГИ ПРАВОСЛАВ ТАШКИЛОТЛАРИ

ПРАВОСЛАВНЫЕ ОРГАНИЗАЦИИ В ТУРКЕСТАНСКОМ ГЕНЕРАЛ- ГУБЕРНАТОРСТВЕ

ORTHODOX ORGANIZATIONS IN TURKESTAN GOVERNMENT GENERAL

Аннотация. Туркистонга XIX аср охири – XX аср бошларида руслар босқинидан сўнг, ушбу ўлкага россияликлар кўчиб келиши жадаллашди. Россиядан кўчиб келаётган аҳоли ўз дини ва урф-одатлари билан кириб келди. Туркистонда православ церковлари, монастырлар ва черков қошидаги бошланғич мактаб қурилиши, таъмирланиши ҳамда Туркистондаги чор Россияси ҳукумронлигида маҳаллий аҳоли, россиялик меценатларнинг ушбу қурилишга қўшган ҳиссалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Россия, Туркистон, генерал-губернатор, Еттисув, православ черкови, монастыр, Чимкент, Фаргона

Аннотация. После российского вторжения в Туркестан в конце XIX – начале XX веков русская эмиграция в эту страну ускорилась. Иммигранты из России пришли со своей религией и обычаями. Проанализированы строительство и реконструкция православных церквей, монастырей и начальных школ в Туркестане, а также вклад местного населения и российских меценатов во время царской России в строительство этих сооружений.

Ключевые слова: Россия, Туркестан, генерал-губернатор, Семиречье, православная церковь, монастырь, Шымкент, Фергана.

Annotation. After the Russian invasion of Turkestan in the late 19th and early 20th centuries, Russian emigration to this country accelerated. Immigrants from Russia came with their religion and customs. The article analyzes the construction and reconstruction of Orthodox churches, monasteries, and primary schools in Turkestan, as well as the contribution of the local population and Russian philanthropists during Tsarist Russia to the construction of these structures.

Keywords: Russia, Turkestan, Governor-General, Semirechye, Orthodox Church, monastery, Shymkent, Fergana.

КИРИШ

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонга руслар босқинидан сўнг, россияликлар кўчиб келиши жадаллашди. Россиядан кўчиб келаётган аҳоли ўз дини ва урф-одатлари билан кириб келди. Ўрта Осиёга Россия кириб келишининг бошиданок мусулмон аҳоли учун христианлик динига қизиқиш уйғонган.

Туркистон ўлкасига илк кириб келган рус офицерларининг Россияга жўнатган ҳисоботларига кўра, Ўрта Осиёга руслар кириб келишининг бошланишиданок маҳаллий аҳоли орасида христианликка қизиқиш пайдо бўлган. Туркистон ўлкаси сенатор-ревизори Гирс 1880 йилда черковларда ўтказилган православ ибодат маросимларини мусулмонлар қизиқиши билан кузатганлиги ҳақида ёзади [1]. Ҳарбий ва денгиз руҳонийлари протопресвитери А.Желобовский XX аср бошида Туркистонга келиб, мусулмонлар черковларда ибодат маросимларини кузатаётганининг гувоҳи бўлганлиги ҳақида хабар берган [2;6]. Бундан кўриш мумкинки, “қизиқувчан” мусулмонлар православ дини анъаналарига янгилик сифатида қарашган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мусулмонлар Ўрта Осиёда православ ибодатхоналари қурилишида ёрдам берган. 1890 йилда Авлиё ота шаҳридаги православ ибодатхонаси қурилишини православ пудратчилари Н.Чекмезов ва Т.Затилниковлардан мусулмон Каримбой Муратбоев пудрати қўлга киритган. Қурувчи ва қурилиш материалларини етказиб берувчиларнинг катта қисми ҳам мусулмонлар бўлган.

XIX аср охири – XX аср бошларида мусулмонлар томонидан Тошкент уездида Богородицкая қишлоғида, Чимкент уездининг Корниловская қишлоғида православ черковлари қуриб битказилган [3]. 1896 йилда Каспийорти вилояти бошлиғи А.Н.Куропаткин “черков эсдаликлари”га “Михайловский қишлоғида черков қурилишида иштирок этган” мусулмон Шохбаговни исмини қиритишга буйруқ берган [4]. “Туркистон ведомостлари”да ёзилишича,

1894 йили Ўра-тепа шаҳридаги православ черкови очилишида маҳаллий мусулмонлар томонидан 2 та гилам совға қилинган [5].

1905 йилда Тошкентнинг мусулмон савдогарлари шаҳарда қурилатган православ бош кафедрал черкови учун 1000 рубль ажратган [6]. 1913 йилда машҳур туркистонлик савдогар Саидкарим Саидазимбоев шу мақсадда 500 рубль ҳадя қилган [7]. 1870 йиллар бошида “госпитальный” черкови учун Туркистонда биринчи қўнғироқни қолипга мусулмон хунарманди қуйган [8;172]. 1883 йилда мусулмонларга маҳаллий тилларга таржима қилинган 143 та Библия ва 317 та Инжил, 1884 йилда эса, 7 та Библия ва 542 та Инжил, шу жумладан, талайгина “Инжилнинг парчалари” сотилган [9]. Христиан адабиётига кўпроқ кўчманчилар катта қизиқиш билдирган.

1868 йилда Туркистондаги православ аҳоли 20 мингдан ошиқроқ бўлган, уларнинг $\frac{3}{4}$ қисми Еттисув вилоятида истиқомат қилган [10]. Ўрта Осиёда Биринчи жаҳон уруши арафасида 350 минг православ яшаган [11;44-45]. Уларнинг катта қисми Еттисув вилоятида бўлишига қарамай, умумий – 1,3 миллион аҳолининг атиги 9,76% фоизини ташкил қилган [12;7]. Каспийорти вилоятида – 9,3% бўлиб, қолган вилоятларда – Сирдарёда 3,12%, Самарқандда 1,6%, Фарғонада 0,63%ни ташкил қилган [12;7].

1868 йилда Туркистонда 30 та православ приходи¹ бўлиб, улар административ-худудий жиҳатдан учга: Заилийск, Лепсинск ва Тошкентга бўлинган. Улар ҳарбий тусда бўлиб, армия ва флот Бош руҳонийси қарамоғида бўлган. Туркистон шарқий районлари Томск епархиясига, ғарбий районлари эса Оренбург епархиясига қараган.

Биринчи бўлиб 1868 йил ёзида Еттисув вилояти ҳарбий губернатори Колпаковский Томск ва Семипалатинск епископи Алексей билан Ўрта Осиёда мустақил православ епархияси таъсис этишни муҳокама қилган. Кауфман Муқаддас Синоднинг обер-прокурори Д.Толстойга хат билан мурожаат қилиб, бутун Туркистон учун мустақил православ епархияси тузиб, унинг маркази қилиб Тошкентни эмас, балки Верний шаҳрини белгилаш таклифи

билан чиққан. Чунки “Еттисувда ўз даврида православларнинг энг катта қисми истиқомат қилган” [13] бўлиб, Кауфманнинг фикрича, ҳам диний, ҳам дунёвий бошқарув идораларининг бир ерда жойлашуви мусулмон аҳолисининг норозилигини келтириб чиқариши мумкин бўлган.

1871 йил 4 майда Туркистонда 1872 йил 1 январдан православ епархияси ташкил топишига Давлат кенгашининг таклифини подшо тасдиқлаган. Александр II Туркистон ва Тошкентнинг епархиясининг биринчи епископи этиб Софонийни тайинлаган. 1902 йил 4 майда Туркистон епископи архиерий Аркадий Туркистон генерал-губернатори Ивановга кафедрал черковни Вернийдан Тошкентга кўчириш учун маблағ сўраб мурожаат қилган. Иванов эса, Муқаддас Синодга Тошкентда “архиепископик”, Вернийда эса “викариятлик” худудий черковларини очиш фикри билан мурожаат қилган [14].

Бошқа епархиялар каби бошқарув Туркистон диний консисторияси қўлида бўлган. Консистория архиерийлар ёзишмаларини назорат қилар, черков ва ибодатхоналарнинг қурилиши ва таъмирланишини назорат қилишни бошқарган [15].

XX аср бошларида Туркистонда православлар: 8 протоиерий, 101 руҳоний, 1 протодиакон, 12 диакон ва 60 псаломчилардан иборат бўлган. 6 нафар туркистонлик руҳоний Диний академия номзоди даражасига эга бўлган. Туркистондаги руҳонийларнинг савиясини ошириш учун, “маҳаллий” тилларни биладиган Ўрта Осиёга хос шароитлардан келиб чиққан ҳарбий руҳонийларни тайёрлаш учун протопресвитер А.А.Желобовский ўлкада семинария очиш таклифи билан чиқди [16].

1917 йил бошларига келиб, Туркистонда 180 та православ ибодатхоналари ва 5 та черков мавжуд бўлган.

Ўрта Осиёдаги православ ибодатхоналарига асосан черков ва монастырлар кирган.

Черковлар. 1872 йилда Туркистон генерал-губернаторлигида 29 та православ черкови бўлган, улардан 14 таси Еттисув ва 15 таси Сирдарё вилоятларида жойлашган. 1917 йил бошларига келиб, Туркистон епархиясининг 5 та вилоятидаги черковлар сони 174 тага етган [17]. Самарқанддаги Георгиевский черкови,

¹ Епархия таркибига бўлинма сифатида қирувчи пресвитер-руҳоний бошқарувидаги христианлар жамоаси ибодатхонаси.

Янги Марғилондаги Александро-Невский, Чоржўйдаги Николаевский, Тошкентдаги Спасо-Преображенский, Сергиевский, Иосифо-Георгиевский церковлари шулар жумласидандир.

Фаолият турига кўра Туркистонда кўча, “казак”, уй, қабристон, темир йўл ва бошқа церковлар фаолият олиб борган. Биринчи бош православ ибодатхонаси Туркистон епархияси ташкил топгач, у кафедрал маъмурий муассаса ролини ўйнаган (Катта Алматинская станицасидаги катта бўлмаган церков бўлган). 1879 йилда Вернийда ҳақиқий кафедрал собор қурилиши бошланиб, маблағ етишмаганлиги учун қурилиш 5 йил давом этган. 1884 йилнинг март ойида Покров Пресвятая Богородица ибодатхонаси қурилиши якунланган.

Ўрта Осиёдаги энг катта православ собори Тошкентдаги Спасо-Преображенский собори бўлган. Кауфман ташаббуси билан 1871 йил июлда Александр Невский ва Николай Чудотворецга бағишлаб қурилган. Қурилиш 17 йил давом этган, нафақат маблағ етишмаслиги, балки Тошкентнинг ўзига хослигини инобатга олиб, қурилиш лойиҳасига ўзгаришлар киритилгани сабабли, 1881 йилда тугал лойиҳа тасдиқланган. Генерал-губернатор Черняев бу қурилиш учун 1882 йил “Махсус хўжалик кўмитаси” тузган. 1888 йил 11 июлда барча христиан расм-русмлари билан очилган. Қурилишга 213 545 рубль маблағ сарфланган [18].

1902 йилда генерал-губернатор Иванов Ўрта Осиёдаги бош православ ибодатхонаси қурилишига 3 йиллик бутунимперия йиғимида подшодан рухсат олган. Маблағ йиғиш жуда суст кечган, 10 йил деганда 122 503 рубль 64 тийин, яъни собор қурилишига керак бўлган маблағнинг 1/3 қисми ҳам йиғилмаган [19]. Самарқанддаги православ собори қурилишига маблағ йиғиш ҳам 20 йилдан ортиқ вақтга чўзилган. XX аср бошларида Сирдарё вилоятида 60 та рус қишлоғига 6 та қишлоқ приходи тўғри келган. 1911 йилда бутун Фарғона вилоятида 2 та қишлоқ православ приходи: “Спаск” ва “Рождественск” мавжуд бўлган. Самарқанд ва Каспийорти вилоятларида ҳам вазият шундай бўлган.

1891 йил бошида подшо буйруғини бажариш учун Давлат кенгаши Ўрта Осиёдаги

черковлар қурилиши учун 4 йилга 256 минг рубль ажратиш ҳамда ҳар йили 200 рублдан ҳар бир черков таъмири учун ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилган. 1901 йилда ҳукумат Фарғона вилоятидаги 7 та черков қурилиши учун 201 377 рубль 50 тийин ажратган. 1906 йилда Ҳарбий вазирлик Қўқондаги иккинчи ибодатхона қурилиши учун 37 минг рубль ажратган. Туркистон генерал-губернатори Д.И.Суботич православ черкови бўлмаган Ўшда ҳамда биттагина кичик сиғимли ибодатхонаси бўлган Самарқандда черков қурилишига ҳарбий вазирликнинг диққатини қаратган [20].

Ўрта Осиёнинг кўпгина жойларида православ аҳоли ўз ҳисобидан ибодатхоналар қуришни бошлаган. Тошкентдаги энг қадимги Иосифо-Георгиевский черкови ҳам шундай маблағлар ҳисобига қурилган [21].

Православ аҳоли маблағларига Авлиё ота шахрида Ўрта Осиёдаги биринчи православ қабристони черкови қурилган. Шунингдек, Чалдовар, Високий, Мамаевка – Чимкент уездида; Степной, Николаевск, Луговой – Авлиё ота уездида, Сирдарё вилояти; Гавриловск, Тепло-Ключенский – Еттисув вилоятида; Фарғона вилоятининг Чуст шахрида ва бошқаларда диний муассасалар қад кўтарган.

Ўрта Осиёдаги православ диний муассасаларнинг катта қисмига алоҳида шахслар томонидан пул ажратилган. 1892 йилда Россиялик савдогар аёл П.Мединцева православ черковга барча бойлигини 783 266 рубль 62,5 тийин мерос қолдирган, Муқаддас Синод ўша маблағдан 7 минг рублни Туркистондаги черковлар қурилишига ажратган. Қўқонда 1905 йилда ўртаосиёлик ҳамкорлар билан ишбилармонлик ришталарини боғлаган Москва фирмалари маблағларига ибодатхона қурилган [22].

Маҳаллий меценатлар (пулдор бойлар) ҳам катта эҳсонлар қилган. Биринчи гильдия савдогари, тижорат бўйича маслаҳатчиси Н.Иванов 1890 йилда ўз ҳисобидан Черняев кўшинларининг қўқонликлар билан тўқнашуви хотирасига Тошкент яқинидаги Никольск қишлоғидаги православ ибодатхонасини қурдирган. Ибодатхона рус-византия услубида қурилган бўлиб, Ивановга 55 минг рублга тушган. Архитектура чизгилари ранг-баранглиги билан Ростов, Углич ва Владимир

ибодатхоналари билан рақобатлаша олган [23]. 1-гильдия савдогари В.Кузнецов ҳам черковлар қурилиши, ҳам ички жиҳозланишига кўп марта маблағ ажратган. 1891 йили тадбиркор Д.Захо ўз маблағлари эвазига Тошкент госпитал черкови учун жуда қимматбаҳо қўнғирокхона қурдирган.

Маблағнинг кам ажратилгани боис, православ черковларининг ташқи кўриниши ва ички жиҳозланиши жуда оддий, содда кўринишда бўлган. Вақт ўтиши билан черковлар биноси нураб эскирган. Айрим черковлар авария ҳолатида бўлгани сабабли ҳукумат томонидан ёпилган. Жумладан, 1889 йилда Авлиё ота шаҳридаги черков ёпилиб, православ аҳоли учун шаҳар четидаги катта бўлмаган қабристон черкови қолган ҳолос [24].

XIX аср охири – XX аср бошида Туркистондаги сейсмик фаоллик сабабли, шу жумладан, Еттисув вилоятидаги православ диний иншоотларга катта зарар етган.

Шундай қилиб, православ черковлари моддий аҳволи яхши бўлмаган, хизматчилар билан тўлиқ таъминланмаган, айрим бой савдогарларнинг эҳсонлари билан кун кўрган, давлат уларни сақлаб туриш учун жуда минимал маблағ ажратган.

Монастирлар. Туркистон сўнгги епископи Иннокентий маълумотларига кўра, 1917 йил бошларида Ўрта Осиёда 5 та монахлар маскани фаолият юритган: Иссиққўлдаги Свято-Троицкий эркаклар монастири, Тошкентдаги Свято-Николаевск аёллар монастири, Верныйдаги Иверско-Серафимовская ва Ашхабоддаги Қозон монах аёллар турар жойи ҳамда монахлар маскани ҳисобланган архиерей ибодатхонаси. Монахларнинг сони кўп бўлмаган бу даврда Иссиққўл монастирида 13 монах ва 8 послушник (шогирд), 3 та аёллар монастирларида ходимлар сони 100 га яқин монах аёллар мавжуд бўлган [25].

1882 йил феввалида генерал-губернатор Г.Колпаковский биринчи православ монастири учун Иссиққўл атрофида руслар истикомат қиладиган Приображенский қишлоғи яқинида 500 десятина² ер ажратилишига буйруқ берган. 1882 йил баҳоридан бу ҳудудда қурилиш суръатлари жадал олиб борилган. 1885 йил баҳорида эса монахлар жамоаси шаклланган.

² *Изоҳ.* Ботмон – 1 гектарга яқин ер ўлчов бирлиги.

Маҳаллий қирғизлар билан бўлган муаммолар, кейинчалик 1889 йилдаги зилзила сабабли монастирга катта талофат етган ҳамда бутун жамоа тарқаб кетган.

Иссиққўл монастирини тиклаш, уни қайта қуриш билан баробар бўлган. Туркистон раҳбарияти қурилиш материалларини бепул тақдим этган. Православ миссионерлар ташкилоти – 6 минг рубль, Муқаддас Синод – 2 минг рубль, Иоанн Кронштадский – 500 рубль маблағ ажратган. Маҳаллий аҳоли ҳам ўз ҳиссасини қўшган. 1895 йил асосий қурилиш ишлари якунланиб, Муқаддас Троица номли янги черковга асос солинган. Янги монахлар жамоаси йиғилган [26]. Унинг қошида 1899 йилда бошланғич мактаб очилган, бироқ кейин муайян сабабларга кўра бир муддат ёпилган. Епископ Дмитрийнинг зўри билан 1909 йилда қайта очилган, лекин 1911 йилда яна ёпилган. 1916 йилдаги қирғизлар кўзғалонида монастирь талон-тарож қилинган, бунинг оқибатида 135 690 рубль 15 коп. зарар етказган [27].

Архиерей эркаклар монастиридан кўра аёллар монастирига ишчи кучи ташлашни тавсия қилган. 1893 йил мартида Сирдарё губернатори Н.И.Гродековга Тошкентда аёллар монастири очиш таклифи билан муржаат қилган. Ушбу монастир учун генерал М.Ф.Ионовнинг аёли 3,5 ботмон ер ҳамда 10 минг рубль ажратган.

1893 йил 6 нафар инокиня³дан иборат жамоа шаклланган, 1894 йилда монастирь қошида черков қурилган. Алоҳида шахслар томонидан берилган катта ва кичик маблағлар қурилишни тезлаштиришига ёрдам берган. Туркистон администрацияси черков қўнғирокларини қуйиш учун мис қурол-аслаҳа назр қилган ва уни тайёрлаш харажатларини қоплаган. Аёллар монастири жамоаси биринчи кундан бошлаб қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган ва ўзини ўзи бемалол қоплаган. 1901 йили генерал-губернатор Иванов воситачилигида Муқаддас Синод ушбу монастирга Тошкент Свято-Николаевский штатдан ташқари турар жой аёллар монастири расмий номни берган⁴.

³ Монахиня дегани. Инок, инокиня қадимги рус тилидан олинган бўлиб, грек тилида *μοναχός, μοναχή*, *инь* дан келиб чиққан, “бир ўзи”, “ёлғиз” маъносини билдиради.

⁴ 1904 йилда игуменья Евсевия тиришқоклиги учун “напёрстный хож”, 1907 йилда эса “Император кабинетидан” махсус ёрлик ва совғалар билан тақдирланган.

Аёллар монастыри ишининг ижобий тажрибаси 1907 йилда Туркистон епископи Дмитрийни Верний шахрида яна бир аёллар монастыри куриш таклифи билан чиққан. 1907 йил октябрида шахар думаси ер участкаси ажратишга қарор қабул қилган⁵. Шахар қабристони ёнидан 1 ботмонгина ер ажратган. Монастирга энг катта вазифа қилиб православларни ислом динини қабул қилишлариининг олдини олиш бўлган.

Вернийдаги аёллар монастыри православ аҳоли орасида шуҳрат қозонмаган. Еттисув вилоятида ҳам аҳолининг кўп қисми унинг мавжудлиги ҳақида билмаган. 1908 йилдаги Вернийдаги аёллар монастыри ташкил топгандан кейин епископ Дмитрий 1909 йилда Ўрта Осиёда яна бир эркаклар монастыри куриш ҳақида Туркистон администрацияга таклиф билан чиққан. Сирдарё вилояти Перов уезди Оқ масжид атрофида жой ажратилиши керак бўлган. Лекин маблағ йўқлиги ва бир қатор бошқа сабаблар билан бу иш амалга ошмаган [28].

1914 йил охири 1915 йил бошларида ҳудудда охири Ашхабод Қозон аёллар монастыри ташкил топган. Ўз жойига эга бўлмаган монастир, “хусусий” уйларда йиғилиб юрган. Жамоа 1915 йилда Каспийорти вилояти администрациясига казармалар ва фронтга кетган Таманск полки черковидан вақтинчалик фойдаланиб туришга рухсат сўраган, лекин рад этилган.

Ўрта Осиёда монастир иши жуда суст ривожланган. Сабаби чуқур православ расм-русумларни инобатга олмай, расмий ташкил этилган. Ҳудуд ва бу ерда яшовчи православ аҳолининг ўзига хосликлари инобатга олинмаган.

1893 йилда Россияда – 25 501 та бўлса, Ўрта Осиёда 1741 нафар ўқувчиси билан 47 та черковлар қошидаги бошланғич мактаблар фаолият юритган [29]. 1901 йилга келиб ушбу мактаблар сони 47 талигича қолган – 4 – икки синфлик, 28 – бир синфлик, 15 – саводхонлик мактаблари мавжуд бўлган [30;175]. 1907 йилга келиб черков қошидаги бошланғич мактаблар сони 55 тага етган [31]. 1914 йилга келиб уларнинг сони Ўрта Осиёда 92 тага етган [32].

⁵ Еттисув вилояти губернатори М.Фольбаумнинг фаол аралашуви натижасида Дума қарори ўз кучида қолди.

Туркистон протоиерейси А.Червяков ёзишича, Ўрта Осиёда биринчи **черков қошидаги бошланғич мактаб** 1870 йил 25 июнда Чинозда ҳарбий руҳоний Капитон Висоцкий томонидан очилган [33]. Биринчи йил толиблари 13 киши – 8 ўғил ва 5 киз бола саводга ҳамда этикдўзликка ўргатилган.

1887 йилда Тошкент Иосифо-Георгиевский черкови қошида Муқаддас Кирилл ва Мефодий номи билан номланган 24 ўқувчига эга черков қошидаги бошланғич мактаб очилган. Бу икки йиллик мактаб бўлиб, намунали деб кўрсатилган, кейинчалик Тошкентда иккинчи бошланғич мактаб Спасо-Приоброженский собори қошида очилган. Ўлка марказида бошқа бундай мактаблар очилмаган. 1912 йилда Тошкентнинг ушбу икки мактабида 141 ўқувчи таҳсил олган [34]. Тошкентдаги Иосифо-Георгиевский черкови қошидаги бошланғич мактаб ўн йиллар давомида Сирдарё вилояти идораси биносида таҳсил бериб, 1896 йил 30 августдагина улар учун алоҳида бино куриб берилган. Биринчи Туркистон “епархиал нозири” В.Яковлевнинг ёзишича, 33 та черков қошидаги бошланғич мактабнинг 10 тасида – 2 диакон ва 8 псаломщик ўқитувчилик қилган, қолганларига ўқитувчи ёллаш керак бўлган [35;21].

ХУЛОСА

Туркистонда православ черковларининг фаолияти ибодатхоналар камлиги сабаб чигаллашган. Ўрта Осиёдаги илк черковлар лойдан барпо этилиб, тез вайрон бўлиб кетган. Ёғочдан қурилганлари кўпроқ турсада, ёнғин чиқиш жиҳатидан хавфли бўлган. Подшо ҳукумати Туркистон православ аҳолиси учун кам маблағ ажратган, қурилишларни халқ бўйнига қўймоқчи бўлган. Йирик аҳоли пунктларига асосан давлат ғазнаси ҳисобидан қурилган черковлар, черков-қурилиши капиталини норационал сарф қилингани боис етишмаган.

Православ черковлари моддий аҳволи яхши бўлмаган, хизматчилар билан тўлиқ таъминланмаган, айрим бой савдогарларнинг эҳсонлари билан кун кўрган, давлат уларни сақлаб туриш учун жуда минимал маблағ ажратган. Чор Россиясига қўшиб олинган Ўрта Осиё ҳудудларида православ

ибодатхоналари билан бир каторда бошқа христиан ва нохристиан конфессиялари диний ташилотлари ҳам фаолият юритган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Отчет ревизирующего по Высочайшему повелению Туркестанский край тайного советника Гирса. — СПб., 1884. — с. 458.
2. ЎзР МДА. И-1-ф., 6-рўйхат, 100-иш, 6-варақ.
3. Туркестанские ведомости, 1909. №272, 19 декабрь; 1911, №230, 18 октябрь.
4. ЎзР МДА. И-1-ф., 2-рўйхат, 8419-иш, 1-варақ.
5. Туркестанские ведомости. 1894, №13, 20 февраль.
6. Туркестанские ведомости. 1905, №15, 26 январь.
7. Туркестанские ведомости. 1913, №44, 26 февраль.
8. Терентьев М.А. Туркестан и туркестанцы. — Вестник Европы, 1875, №11, —С. 172.
9. ЎзР МДА. И-1-ф., 1-рўйхат, 2560-иш, 21, 28-варақлар.
10. Туркестанские ведомости. 1870, №9, 30 август.
11. Любимов П.П. Религии и вероисповедный состав население Азиатской России. СПб., 1914, —С. 44-45.
12. Статистический ежегодник России. Издание статистического комитета МВД. 1913. СПб, 1914, —С.7.
13. ЎзР МДА. И-1-ф., 20-рўйхат, 124-иш, 31 об.-варақ.
14. ЎзР МДА. И-1-ф., 5-рўйхат, 867-иш, 29-варақ.
15. Туркистон диний консисторияси архиви Ўзбекистон давлат архивининг И-961 фондида (1,3 минг ишларда) сақланиб келмоқда.
16. ЎзР МДА. И-1-ф., 6-рўйхат, 100-иш, 6 об.-варақ. Отчет о поездке Протоприсвитера военного и морского духовенства А.Желобовского в Туркестанский край. Желобовскийнинг ёзишича: “Черков пастирлари маҳаллий аҳолининг лаҳжаларида сўзлаш ва ёзишни билиш учун уларнинг тилини албатта ўрганиши зарур”.
17. Туркестанские епархиальные ведомости. 1916, №24, 15 декабрь.
18. ЎзР МДА. И-17-ф., 1-рўйхат, 20835-иш, 2-варақ.
19. Туркестанские ведомости. 1913. №218, 3 октябрь.
20. ЎзР МДА. И-19-ф., 1-рўйхат, 26737-иш, 1-1 об.-варақлар.
21. Туркестанские епархиальные ведомости. 1908. №1, 1 январь.
22. ЎзР МДА. И-19-ф., 1-рўйхат, 26536-иш, 5-5 об.-варақлар.
23. Туркестанские ведомости. 1890. №30. 24 июль.
24. Туркестанские ведомости. 1889. №10. 7 март.
25. ЎзР МДА. И-961-ф., 1-рўйхат, 1320-иш, 40-41-варақлар.
26. Туркестанские епархиальные ведомости. 1907, №16, 15 август.
27. ЎзР МДА. И-961-ф., 1-рўйхат, 1320-иш, 5-варақ.
28. ЎзР МДА. И-17-ф., 1-рўйхат, 16685-иш, 1-1 об., 2-варақлар.
29. Туркестанские ведомости. 1894, №3, 13 январь.
30. Всеподданейший отчет Обер-прокурора Св.Синода... за 1900 г. —Спб, 1903. — С. 175.
31. Туркестанские епархиальные ведомости. 1908, №3, 1 февраль.
32. Туркестанские епархиальные ведомости. 1915, №1, 1 январь.
33. Туркестанские ведомости. 1901, №33, 26 январь.
34. Туркестанские ведомости. 1912, №20, 25 январь.
35. Яковлев В.А. Церковно-приходские школы и школы грамоты Туркестанской епархии в 1899/97 учебном году. — Верный, 1898. —С. 21.